

Ибрат: Нажла Фатҳийнинг жасорати



09:00 / 20.10.2021 2808

Унинг турмуш ўртоғи 2016 йил вафот этгач, она фарзандларининг тарбияси устида қаттиқ меҳнат қилишга аҳд қилди. Ўша кезларда энг кенжа фарзанди атиги икки ойлик эди.

7 нафар фарзанднинг бари бугунга келиб Қуръонни онасидан тўлиқ ёд олди. Она фарзандларига ҳам Қуръон ўргатди, ҳам ҳеч қандай муҳтожсиз едириб ичирди.

Куннинг бир қисми уларга илм бериш ва парвариш қилиш билан ўтган бўлса, қолган бир қисми ишлаш билан ўтарди.

Бир муслима аёл бугун умматга етти нафар қорини етказиб берди.

Аллоҳ таоло бу муслима онадан Ўзи рози бўлсин!

Улуғ мужтахид фақиҳ, Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий отасидан жуда эрта етим қолади. Фарзанд тарбиясидан хавотирланган она икки яшар ўғлини Ғаззадан Маккага олиб келади. «Ота-боболаринг юртида ўсиб-улғайганинг яхши», дейди. Шофеъийнинг ўзлари ҳикоя қилганларидек: «Онам мени ўқитишни жуда-жуда истарди. Лекин етарли маблағи йўқ эди. Менинг ўзим ўқишга астойдил киришдим».

Музаний дейди: «Шофеъий етти ёшида Қуроъни ёд олган, ўн ёшида эса «Муватто»ни ёдлаган».

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал ҳикоя қилади (у киши ҳам жуда эрта етим қолган): «Олти ёшимда онам мени тонг саҳар уйғотиб, ўзи таҳорат олдиран эди. Таҳорат олиб бўлганимдан сўнг чиройли кийимларни кийгазиб, қўлимдан етаклаб масжидга олиб келарди. Мени хонақоҳга киргизиб, ўзи масжиднинг пана жойига ўтиб оларди. Бир оздан кейин муаззин келиб, бомдод намозига азон айтарди».

Ибн Нажийя (Нужийя) номи билан танилган улуғ олим Али ибн Иброҳим даврининг катта муфассир ва воизларидан бўлган. Султон Нуриддин Зинкий ва Салоҳиддин Айюб ҳурматига сазовор бўлган. Ана шу олим тафсир фанида катта ютуқларни қўлга киритишидаги сирни айтиб, бундай дейди: «Тафсирни тоғамдан таълим олганман. Дарсдан қайтишим билан онам сўроққа тутарди:

– Бугун қайси сурани ўргандинг?

Мен дарсни тоғамдан қандай эшитган бўлсам, шундайича онамга айтиб берардим. Онам сўзларимни охиригача тинглаб бўлиб, бошини чайқарди: «Яхши, лекин ҳамма билганларини айтмабди-да. Мен тафсирни тоғанг билан бирга ўрганганман. Аслида уламолар бу оят тафсирида бундай дейишган, яна бундай дейишган», деб тоғам айтганларига қўшимча қилиб қўярди».

Ҳадисда таърифи келган оналар фарзанд тарбияси улуғ вазифа эканини тушуниб, бурчларини муносиб бажарган оналардир.

Аллоҳ таоло барчамиздан Ўзи рози бўлсин!

Манбалар асосида Хуршид Маъруф тайёрлади